



O'ZBEKISTON BUNYODKORI

IQTIMOYIY-IQTISODIY GAZETA

СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА

№ 70-71 (623-624)

2022 йил 30 август, сешанба

uzbunyodkor

t.me/uzbunyodkor

info@uzbunyodkor.uz

Газета 2016 йил 2 августдан ҳафтанинг сешанба ва жума кунлари чиқади.

ЭЛ-ЮРТ ҲИМОЯСИГА ОТЛАНИБ ТУРГАН САРКАРДА, УРГАНЧ ТАШРИФ ҚОҒОЗИГА АЙЛАНДИГАН АЛ-ХОРАЗМҲИЙ ШАҲАРЧАСИ

29 август куни Урганч шаҳрида Жалолиддин Мангуберди ёдгорлик мажмуасининг тантанали очилиш маросими бўлди. Маросимга Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ташриф буюриб, жамоатчилик вакиллари билан биргаликда ҳайкални очди. Давлат мадҳияси янгради.

Мамлакатимиз раҳбари ўз нутқида саркарданинг шахсияти, тарихда тутган ўрнини алоҳида эътироф этди.

– Жалолиддин Мангуберди эл-юрт истиқлоли учун курашган, шу йўлда азиз жонини қурбон қилган аждодларимизнинг буюк намоёнасидир. Она юртга муҳаббат ва садоқат, ор-номус ва шон-шараф бобида Жалолиддин Мангубердига тенг келадиган улғу шахслар дунёда камдан-кам учрайди, – деди Шавкат Мирзиёев.

Жалолиддин 1198 йилда туғилган ва қисқа умри давомида тарихда унутилмас из қолдирган қаҳрамон шахсдир. У мўғуллар қўшини даҳшатидан ҳамма ўзини олиб қочган пайтда, атиги 21 ёшида қўрқмасдан майдонга чиққан. 11 йил давомида мўғул босқинчиларига қарши 300 дан ортиқ жангларда иштирок этиб, уларни титратган. Ҳатто Чингизхондек буюк ҳукмдор ҳам унинг матонатини кўриб: “Бундай қаҳрамон фарзанди бор ота нақадар бахтлидир”, деб тан берган. Жасур шахзода тақдирнинг қалтис синовларини мардона энгиб ўтиб, 32 ёшда хоинлар қўлида ҳалок бўлган.

Султон Жалолиддин жанговар фаолияти билан нафақат ўз юртини, балки дунёдаги ўнлаб мамлакатларни ҳам босқинчилар ҳужумидан ҳимоя қилган. Унинг номи, ўлмас жасорати халқ орасида, турли миллат ва эллар туртасида афсонага айланган.

Мамлакатимиз мустақилликка эришгач, бу улғу аждодимизнинг хотираси абадийлаштирилди. Таваллуд саналари муносиб нишонланди. Давлатимизнинг юксак мукофотларидан бири – Жалолиддин Мангуберди ордени таъсис этилди. Унинг фаолиятига бағишланган илмий ва бадиий асарлар яратилди. Жумладан, туркиялик кинорежиссорлар билан ҳамкорликда “Мендирман, Жалолиддин!” номли кўп қисмли тарихий фильм суратга олинди. Улғу саркардага муносиб ватанпарвар ўғлонларни тарбиялаш мақсадида Урганч шаҳрида Жалолиддин Мангуберди номида ҳарбий академик лицей ташкил этилди.

Хоразм марказида барпо этилган ёдгорлик мажмуаси шундай тарихий ишлардан биридир. Бу ташаббусни Президентимиз 2018 йилда илгари сурган эди. Ҳайкалнинг жойи, кўриниши ва мазмуни тарихчи олимлар, санъатшунослар ва қурувчилар иштирокида чуқур муҳокама қилинди. Давлатимиз раҳбари уни қурилиш мобайнида ҳам бир неча бор келиб кўрди.

Шу тарафдан бўйи 25 метрни ташкил этадиган маҳобатли ҳайкал барпо этилди. Унда Жалолиддин Мангуберди тулпор живонини маҳкам тутиб, эл-юрт ҳимоясига отланиб тургани тасвирланган. Султоннинг қатъиятли, мағрур сиймосида келажакка катта ишонч билан интилаётган халқимизнинг ватанпарварлиги, буқилмас иродаси ўз ифодасини топган.



Сурат president.uz сайтидан олинди.

Ҳайкал олдида Жалолиддин Мангуберди битиктошининг нусхаси ўрнатилди. Эрон худудидан топилган, оғирлиги 32 килограмм, баландлиги 30 сантиметр бўлган бу тошда Қуръони карим оятлари, Жалолиддин Мангубердининг шажараси ёзилган. Унинг асли ҳозирги кунда Лондондаги машҳур Британия музейида сақланади. Бу ҳам буюк аждодимизнинг жаҳон тарихидаги бекиёс шухратидан далолат беради.

Мажмуа ўрин олган қарийб 8 гектар майдонда, Ал-Хоразмий ва Исом Каримов кўчаларида улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. Ушбу майдон остидан ўтадиган автомобиль туннели барпо этилди. Худудга 18 мингга яқин манзарали дарахтлар, гуллар ва буталар экилди.

Бу майдон Хоразмнинг кун сайин ўзгариб, чирой очиб бораётган қиёфасига яна бир кўрк бўлди. Хусусан, ўтган беш йилда вилоятда барча туман марказлари, 100 га яқин қишлоқ ва маҳаллалар обод қилинди. Сайёҳлар учун 80 та янги меҳмонхона қурилди.

“Очиқ осмон остидаги музей” номини олган Хива шаҳрига темир йўл етиб борди ва янги вокзал ишга туширилди. 2024 йилда бу ерга “Афросиёб” тейорур поездини олиб келиш режалаштирилган. Исом ҳамкорлик ташкилоти томонидан Хива шаҳрининг 2024 йилда “Исом дунёсининг туризм пойтахти” деб эълон қилиниши бу саъй-ҳаракатларнинг муносиб эътирофи бўлди.

Буларни изчил давом эттирган ҳолда, маҳаллий ва чет эллик сайёҳлар учун ҳар томонлама жозибадор “Хоразм” туристик брендини яратиш бўйича иш олиб борилмоқда. Жалолиддин Мангуберди мажмуаси тарихни ифода этиши, сўлимлиги ва қулайликлари билан туризмда ҳам алоҳида ўрин тутди.

Президентимиз буюк саркарда Жалолиддин Мангубердининг ҳаёти ва фаолиятини чуқур ўрганиш, уни халқимиз, айниқса, ёшлар ўртасида кенг тарғиб этиш зарурлигини таъкидлади.

Хусусан, шундай изланишлар туфайли Туркиянинг Силван шаҳрида улғу аждодимизнинг қабри топилди. Давлатимиз раҳбари турк қардошларимиз билан бирга у ерда рамзий макбара бунёд этиш таклифини билдирди.

Фидойи олим ва адибларнинг илмий-ижодий изланишларини қўллаб-қувватлаш, Жалолиддин Мангубердининг қаҳрамонлик тарихини тўлақонли ёритиб берадиган илмий энциклопедия яратиш муҳим вазифа экани қайд этилди.

– Чақмоқдек қисқа умри мобайнида Ўзбек халқига хос бўлган Ватанга чекис муҳаббат ва садоқат, юксак ҳарбий салоҳиятни намоён этиб яшган Жалолиддин Мангуберди каби буюк аждодларимиз билан ҳар қанча фахрлансақ, гурурлансақ, арзийди. Ишонаман, орадан йиллар, асрлар ўтади, Султон Жалолиддин ҳаммаша юртимизни кўз қорачиғида асраб-авайлаш, унга фарзандлик меҳри, иймон-этиқод билан хизмат қилишнинг ўлмас тимсоли бўлиб қолади, – дея таъкидлади Шавкат Мирзиёев.

Маросимда хоразмлик нуруний ва зиёлилар, ҳарбий хизматчилар ҳам сўзга чиқиб, йиғилганларни табриклади.

Миллий гвардиянинг Фахрий қоровул таркиби “Жалолиддин Мангуберди” марши садолари остида ҳайкал олдида тантанали юриб ўтди.

Президент Шавкат Мирзиёев Жалолиддин Мангуберди битиктошига гулчамбар қўйди.

Маросим ватанпарварлик руҳидаги концерт дастури билан давом этди.

Шундан сўнг Президент Шавкат Мирзиёев Урганч шаҳрида Ал-Хоразмий шаҳарчаси қурилиши пойдеворида капсула қўйди.

Давлатимиз раҳбари бу лойиҳа билан жорий йил мартда вилоятга сафари чоғида танишган, уни такомиллаштириш бўйича кўрсатмалар берган эди. Шулар асосида “пиштилган” лойиҳа ижобати бугунги хайрли кунларда – мустақиллик байрамимиз арафасида ёшланди.

Маросимда хоразмлик ёшуллар, аёллар, ёшлар иштирок этди. Президентимиз улар билан мулоқот қилди.

– Бугунги замонавий илм-фаннинг, электрон кашфиётларнинг туб замини Ал-Хоразмий бобоимизнинг мислсиз илмий мероси билан боғлиқ. Биз бу билан нафақат фахрланишимиз, балки унга муносиб бўлишимиз керак. Шунинг учун Урганч шаҳрида буюк олим номи билан аталадиган алоҳида шаҳарча барпо этишга қарор қилдик, – деди давлатимиз раҳбари.

Бу мажмуа Урганч халқаро аэропорти яқинида, 130 гектардан зиёд ҳудудда бунёд қилинади. Самолётдан тушган ҳар қандай одамнинг кўз ўнгидан аввало мана шу гўзал маскан намоён бўлади. Шаҳарча марказида Хоразмий бобоимизнинг муаззам ҳайкали ўрнатилади.

Асосийси, бу ерда Ал-Хоразмий номидаги янги университет барпо этилади. Унинг қошида истеъдодли болалар учун ихтисослашган мактаб қурилади. Уларда ўқиган ёшлар шаҳарчада бунёд этиладиган илм-фан, инновация ва маданият марказларида фаолият кўрсатиб, буюк аждодимизнинг анъаналарини давом эттиради.

Шунингдек, бу ерда технопарк ва офислар, тиббиёт, инновация ва маданият марказлари, хибонлар, мактаб ва боғчалар, спорт мажмуалари, автотурагоҳ, саёдо ва маъшият бинолар бўлади. 5 мингта хонадонли 104 та кўп қаватли уй-жой барпо этилади. Иншоотлар “ақлли технологиялар” асосида жиҳозланади.

Президентимиз мажмуа бунёдкорларини мустақиллик байрами билан табриклаб, ушбу масъулиятли ва шарафли ишларида муваффақиятлар тилади.

Шу билан давлатимиз раҳбарининг Хоразм вилоятига ташрифи якунланди.

Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ, Аҳмаджон ШОКИРОВ, Ўза муҳбирлари.

ЧИНАКАМ МАРДЛИК ВА ВАТАНГА ЧЕКСИЗ САДОҚАТНИНГ ЁРҚИН ТИМСОЛИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Урганч шаҳрида Жалолиддин Мангуберди ҳайкалининг очилишига бағишланган тантанали маросимдаги нутқи

Ассалому алайкум, азиз ватандошлар! Мухтарам меҳмонлар! Қадрили Хоразм аҳли!

Бугун мустақиллик байрами арафасида халқимизнинг буюк фарзанди Жалолиддин Мангуберди хотирасига бағишлаб бунёд этилган муҳташам ёдгорлик мажмуасини тантанали равишда очмоқдамиз.

Ҳеч шубҳасиз, бунда чуқур рамзий маъно бор. Неча деганда, **дунёдаги энг улкан қаҳрамонлик – бу Ватан мустақиллиги ва озодлиги йўлида кўрсатилган мardлик ва жасоратдир. Бундай қаҳрамонлик асло унутилмайди, ҳаммаша халқ қалбида яшайди.**

Жалолиддин Мангуберди эл-юрт истиқлоли учун курашган, бунга ўз ҳаётини бағишлаган аждодларимизнинг буюк намоёнасидир.

Она юртга муҳаббат ва садоқат, ор-номус ва шон-шараф бобида унга тенг келадиган улғу шахслар дунёда камдан-кам учрайди, десак, айна ҳақиқатни айтган бўлаемиз. Бу фикримизни доғимизда аллома ва одил ҳукмдор Мирзо Улугбекнинг: **“Олам аҳли Жалолиддиндан олдин ҳам, кейин ҳам бундай баҳодир жангчини кўрмаган. Бу зотнинг азму шижоати олдида ҳатто буюкликнинг ўзи ҳам таъзим қилади”**, деган сўзлари яққол тасдиқлайди.

Султон Жалолиддин ўн бир йил давомида

мўғул босқинчиларига қарши 300 дан ортиқ жангларда иштирок этиб, ёвларни титратиб келди. Бундай жасорат ҳар қандай одамни ҳам ҳайратда қолдиради.

Энгилмас саркарданинг Синд дарёси бўйида ўз қўшинидан тўрт марта кўп бўлган Чингизхон қўшинига мардона қарши чиққанини эслайлик. Ёки Исфаҳон яқинидаги жангда бор-йўғи 14 нафар аскар билан мингдан зиёд мўғул лашкарининг қуршовини ёриб ўтганини ёдга олайлик.

Ҳатто Чингизхондек саркарда ҳам унинг матонатини кўриб: **“Жалолиддиндек қаҳрамон фарзанди бор ота нақадар бахтлидир”**, деб тан беришга мажбур бўлган.

Султон Жалолиддин жанговар фаолияти билан нафақат ўз юртини, балки дунёдаги ўнлаб мамлакатларни ҳам мўғул ҳужумидан ҳимоя қилганини жаҳон аҳли эътироф этади. Бутун умри урушда ўтган бўлишига қарамасдан, у оғир ва мураккаб даврларда ҳам илм-маърифат ҳомийси сифатида масжид ва мадрасалар, қарвонсаройлар, қалъалар, йўл ва кўприклар қурдирган.

Тақдирнинг қалтис синовларини мардона энгиб ўтган, 32 ёшда ҳалок бўлган азамат аждодимизнинг ҳаёт йўли, шахсияти ва жасорати барчамизга асло эскирмайдиган бир ҳақиқатни уқтиради:

Ватан озодлиги, Ватан манфаати йўлида бирлашиб, марди майдон бўлиб курашга бел боғлаган халқни ҳеч қандай куч ҳеч қачон енга олмайд.

Хурматли маросим қатнашчиларига. Мустақиллик йилларида Ватанимизда Жалолиддин Мангубердининг ўлмас хотирасини абадийлаштириш мақсадида амалга оширилган ишлар барчангизга яхши маълум. Хусусан, давлатимизнинг юксак мукофоти – Жалолиддин Мангуберди ордени таъсис этилди. Юртимизда бу улғу зотнинг таваллуд саналари муносиб нишонланмоқда. Унинг ҳаёти ва фаолиятига бағишланган янги-янги илмий ва бадиий асарлар яратилмоқда.

Буюк аждодимизнинг давомчиларини камол топтириш мақсадида Урганчда Жалолиддин Мангуберди номидаги ҳарбий академик лицей ташкил этилди. Бу мардлик мактаби жорий йил илк бор ўқувчиларни ўз бағрига қабул қилмоқда. Уларнинг барчасига омад ва зафарлар тилаб, келгусида бу навқирон авлод орасидан улғу саркарданинг муносиб издошлари бўлган ҳақиқий ватанпарвар ўғлонлар, жасур офицер ва генераллар етишиб чиқади, деб ишонамиз.

GERMANYA PREZIDENTI ЎЗБЕКИСТОН ЕТАКЧИСИ ВА КЎП МИЛЛАТЛИ ХАЛҚИНИ МУСТАҚИЛЛИК КУНИ БИЛАН ТАБРИКЛАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 29 август куни Германия Федератив Республикаси Президенти Франк-Вальтер Штайнмайер билан телефон орқали мулоқот қилди.

Кўп қиррали Ўзбекистон – Германия ҳамкорлигини янада ривожлантириш ҳамда минтақавий шерикликнинг долзарб масалалари кўриб чиқилди.

Сўхбат аввалида Германия Президенти давлатимиз раҳбари ва кўп миллатли халқимизни мамлакатимиз мустақиллигининг 31 йиллиги билан самимий қўтлади. Кейинги йилларда амалга оширилаётган ислохотлар дастурининг натижалари алоҳида қайд этилди, Янги Ўзбекистонда амалга оширилаётган демократик ва иқтисодий янгиланишлар қўллаб-қувватланди. Етакчилар олий даражадаги келишувларни амалга ошириш натижасида икки томонлама муносабатларда юксак даражага эришилганини мамнуният билан қайд этдилар.

Жорий йил бошида ўзаро товар айирбошлаш 60 фоизга ўсди. Мамлакатимиздан Германиянинг 200 дан зиёд етакчи компаниялари муваффақиятли фаолият юритмоқда. Утган ойда “Knauf”, “Parsenburg” ва “Falk Porsche” каби танқил қорхоналар Ўзбекистонда ўзларининг аниқ заводларини ишга туширди.

Шу йилнинг июль ойида Германия бизнесининг 100 дан ортиқ вакиллари иштирокида ўтган Ўзбекистон – Германия ишбилармонлар кенгашининг навбатдаги йиғилишидан сўнг

иқтисодийнинг юқори технологик тармоқларида 24 та янги инвестиция лойиҳаларини тайёрлаш ва амалга ошириш бошланди.

Ўзаро манфаатли молиявий-техник ва маданий гуманитар ҳамкорлик кенгайиб бормоқда. Юртимизда Гёте институти, Конрад Аденауэр ва Фридрих Эберт фондлари каби Германиянинг бошқа ташкилотлари ҳам фаол иш олиб бормоқда.

Ўзбекистон ва Германия Президентлари амалий ҳамкорлигининг кенгайиши, шунингдек, узоқ мuddатли шерикликни ривожлантиришга қаратилган қўшма дастур ва лойиҳаларнинг илгари сурилишини қўллаб-қувватлади.

Минтақавий ҳамкорлик, шу жумладан, Европа Иттифоқи доирасидаги конструктив мулоқотни ривожлантириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. Афғонистонда узоқ мuddатли тинчликни таъминлаш ва унинг ижтимоий-иқтисодий тикланишига кўмаклашиш мақсадида фаол ҳамкорликни давом эттириш муҳим экани таъкидланди.

Ўзбекистон ва Германия Президентларининг телефон орқали мулоқоти ҳар доимгидек самимий, очик ва дўстона руҳда ўтди.

ЧИНАКАМ МАРДЛИК ВА ВАТАНГА ЧЕКСИЗ САДОҚАТНИНГ ЁРҚИН ТИМСОЛИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Урганч шаҳрида Жалолиддин Мангуберди ҳайкалининг очилишига бағишланган тантанали маросимдаги нутқи



Азиз дўстлар!
Биз бугун очилаётган ёдгорлик мажмуаси лойиҳаси устида жуда кўп ишладик. Зиёлиларимиз, кенг жамоатчиликнинг фикр-мулоҳаза ва таклифларини ўргандик. Бўйи 25 метр бўлган ушбу маҳобатли ҳайкалда Султон Жалолиддиннинг қатъиятли, мағрур сиймосида келажакка катта ишонч ва шиддат билан интилаётган халқимизнинг ватанпарварлиги, буюклимас иродаси ўз инфосини топган.

Ҳайкал олдида Жалолиддин Мангуберди битиктошининг нуҳаси ўрнатилди. Битиктош нуҳасида муқаддас Қуръони карим оятлари, Жалолиддин Мангуберди шажараси, ушбу ёдгорликнинг яратилиш тарихи акс эттирилган. Жалолиддин Мангуберди мажмуасини барпо этиш билан бирга, Урганч шаҳри ва унинг марказий майдонига катта ҳажмдаги бунёдкорлик ишлари ҳам амалга оширилди. Қарийб 8 гектарлик ушбу ҳудуд бутунлай янгица қиёфа касб этди. Бу ерга 18 мингга яқин манзарали дарахтлар, гуллар ва буталар экинди. Шаҳарнинг марказий майдони остидан ўтадиган, тўрт қаторли, узунлиги 500 метр бўлган нобъ автомобиль туннели барпо этилди. Ҳурматли тантанали маросим иштирокчилари!

Шу ўринда айтиш керакки, охириги йилларда амалга ошираётган ислохотларимиз натижасида барча ҳудудлар каби Хоразм ҳам ўзгармоқда. Хусусан, ўтган 5 йилда барча туман марказлари, 100 га яқин қишлоқ ва маҳаллалар обод қилинди. Сайёҳлар учун 80 та янги меҳмонхона қурилди. Келгуси 5 йилда вилоятда янги меҳмонхона ва оилавий меҳмон уйлари ташкил этилиб, хорижий туристлар сони 10 баробар оширилади, яъни ярим миллионга етказилади.

“Очиқ осмон остидаги музей” номини олган Хива шаҳрига темир йўл этиб борди ва янги вокзал ишга туширилди. 2024 йилда эса тезорар поездини Хивага олиб келишни режа қилганмиз.

Тулпор каби учқур, тезорар поездга Жалолиддин Мангуберди номини берсак, ўйлайманки, сизлар ҳам бу таклифни қўллаб-қувватлайсизлар. Шунингдек, Урганч ва Хива шаҳарлари ўртасидаги автомобиль йўли бўйида 100 дан зиёд замонавий сервис объекти барпо этилади.

Ислоҳ ҳамкорлик ташкилоти томонидан Хива шаҳрининг 2024 йилда “Ислоҳ дунёсининг туризм пойтахти” деб эълон қилиниши бу соҳадаги ислохотларимизнинг муносиб эътирофи бўлди.

Бошлаган ишларимизнинг изчил давоми сифатида воҳада маҳаллий ва чет эллик сайёҳлар учун жозибадор “Хоразм” туристик брендини яратиш бўйича аниқ режа асосида иш олиб берилмоқда.

Хоразм ташриф буюрадиган хорижий сайёҳлар сонини кескин ошириш учун ҳудудларо ва халқаро транспорт қатновларини кенгайтириш мақсадида зарур инфратузилмалар яратилади. Жумладан, йўловчилар оқими бўйича пойтахт аэропортидан кейинги ўринда турадиган Урганч халқаро аэропорти келгуси 2 йилда реконструкция қилиниб, йирик туристик транспорт хабига айлантирилади.

Хабарингиз бор, сиз, азизлар билан маслаҳатлашиб, халқимиз, биринчи навбатда, ёшларимизнинг фикри, хоҳиш-истакларини эътиборга олиб, Урганч шаҳрида Ал-Хоразмий шаҳарчаси қурилишини бошладик.

Бу ердаги 130 гектардан зиёд ҳудудда Ал-Хоразмий университети ва ихтисослашган мактаб, Ал-Хоразмий маркази, буюк бобомизнинг улугвор ҳайкали бунёд этилади. Шунингдек, бу ерда технопарк, ишлаб чиқариш зонаси ва офислар, тиббиёт, инновация ва маданият марказлари, мактаб ва боғчалар, яшил майдон ва хиёбонлар, спорт мажмуалари, авто-тураргоҳ, савдо ва маиший бинолар, энг муҳими, аҳоли учун 104 та кўп қаватли замонавий шинам уйлар барпо этилади.

Худо хоҳласа, бу шаҳарча ҳам худди Самарқанддаги “Буюк ипак йўли” халқаро туризм маркази сингари мамлакатимизнинг энг гўзал ва бетакрор масканларидан бирига, таъбир жоиз бўлса, Урганч шаҳрининг юзига айланади.

Фурсатдан фойдаланиб, Хоразмда мана шундай эзгу ишларни амалга оширишда иштирок этган ва меҳнатини давом эттираётган барча-барча азиз инсонларга – қўрувчи ва муҳандисларга, мезмор ва ҳайкалтарошларга, техник мутахассис ва мутасаддиларга, чет эллик ҳамкорларимизга, меҳнаткаш ва олижаноб Хоразм аҳлига самимий миннатдорчилик билдираман.

Муҳтарам юртдошлар!
Бугунги маросимда зиёлилар, айниқса, ёшлар вакиллари иштирок этаётгани учун бир масалага алоҳида тўхталиб ўтмоқчиман.

Биз кўплаб муҳташам иморатлар қуришимиз, маҳобатли ҳайкаллар барпо этишимиз мумкин. Аммо ушбу бунёдкорлик ишларимизнинг туб маъносини, тарбиявий аҳамиятини халқимиз, ёшларимиз қалбига сингдирмасак, бу обидаларнинг маънавий ибратини тушунтира олмадик, асосий мақсадимизга ета олмадик.

Биз бугун дунёда ва минтақамизда турли таҳдид ва хатарлар кучайиб бораётган нотинч бир замонда яшамоқдамиз. Кўплаб бузғунчи кучлар ўзларининг фарзандларини билан ёш авлоднинг онгини эгаллашга уринмоқдалар. Бундай таҳликали вазиятда жондан азиз фарзандларимизни юксак ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ҳал қилувчи аҳамиятга эга эканини ҳаммамиз яхши тушунамиз.

Шу сабабли буюк саркарда Жалолиддин Мангуберди сингари ватанпарвар, жасоратли аждодларимиз ҳаёти ва фаолиятини чуқур ўрганиш, уни халқимиз, айниқса, ёшлар ўртасида кенг тарғиб этиш барчамизнинг бурчимизга айланиши лозим.

Айни вақтда бу борада фидойи олим ва адибларимиз томонидан олиб борилаётган илмий-ижодий изланишларни қўллаб-қувватлашимиз, уларни янги асарлар яратишга рағбатлантиришимиз лозим. Хусусан, ана шундай изланишлар туфайли Туркиянинг Силван шаҳрида улў аждодимизнинг қабри топилгани муҳим аҳамиятга эга. Ушбу қардош давлат билан келишиб, бу ерда рамзий макбара бунёд этсак, албатта, ҳар томонлама савобли иш бўлади.

Вилоят ҳокимлиги ҳамда хоразмлик зиёлиларнинг саяёҳаракати билан тузилган Жалолиддин Мангуберди фонди фаолиятини моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш чораларини ҳам кўришимиз зарур. Жалолиддин Мангубердининг шарафли тарихини тўлақонли ёритиб берадиган илмий энциклопедия, яъни қомус яратиш ҳам олдимизда турган муҳим вазифадир.

Чакмоқдек қисқа умри мобайнида ўзбек халқига хос бўлган Ватанга чексиз муҳаббат ва садоқат, юксак ҳарбий салоҳиятини намойиш этиб яшagan Жалолиддин Мангуберди каби буюк аждодларимиз билан ҳар қанча фахрлансак, гурурлансак, арзийди.

Ишонаман, орадан йиллар, асрлар ўтади, Султон Жалолиддин ҳаммиса юртимизни кўз қорачигидек асраб-авайлаш, унга фарзандлик меҳри, йймон-эътиқод билан хизмат қилишининг ўчмас тимсоли бўлиб қолади.

Муҳтарам ватандошларим!
Сўзимнинг якунида барчангизни бугунги кўтлуғ тарихий воқеа билан, яқинлашиб келаётган Мустақиллик байрамимиз билан яна бир бор чин қалбимдан самимий табриқлайман.

Ҳаммангизга тинчлик-омонлик, оилавий бахт-саодат, хонадонларингизга битмас-туганмас кут-баракат тилайман.
Дунёга Жалолиддин Мангуберди каби буюк қаҳрамонларни берган муқаддас заминимиз, она халқимиз омон бўлсин!

Мард ва матонатли Хоразм элининг доимо бахтини, омадини берсин!

Эътиборингиз учун раҳмат.

“ЎЗШАҲАРСОЗЛИК ЛИТИ” – КАТТА АМАЛИЁТ, БОЙ ТАЖРИБА ВА ЎЗИГА ХОС АНЪАНАЛАРГА ЭГА



Бобир ЭЛМУРАДОВ,
“Ўзшаҳарсозлик ЛИТИ” ДУК
Бош директори.

Юртимиз шаҳарларининг бугунги қиёфасини яратишга катта ҳисса қўшиб келаётган лойиҳа институтлари фаолиятига бугун алоҳида эътибор қаратилмоқда. Улар қаторида “Ўзшаҳарсозлик ЛИТИ” ДУК ҳам бўлиб, айни пайтда мутахассисларимиз замонавий ва инновацион технологиялар ёрдамида жонажон юртимизнинг кўркемлиги учун янгидан-янги лойиҳалар яратиш билан шуғулланиб келмоқда.

“Ўзшаҳарсозлик ЛИТИ” ДУК – шаҳарсозлик ва жамоат ҳўжалик турар жой биноларини ҳажимий лойиҳалашда республика бош лойиҳа ташкилоти ҳисобланади. Республиканинг шаҳар ва аҳоли пунктларини шаҳарсозлик ҳужжатлари билан таъминлайдиган ягона давлат илмий ва техник сийбасатини олиб боради ҳамда бино ва иншоотларни қуриш учун лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқади. Институт катта амалиёт, бой тажриба ва ўзига хос анъаналарга эга. Мутахассислар томонидан амалга оширилган ишлар Ўзбекистон архитектура мактабининг асоси ҳисобланади.

Ташкилотимиз 1928 йилда Самарқанд шаҳрида “Узгоспроект” номи билан ташкил этилган бўлиб, 1930 йилда Тошкент шаҳрига кўчиб ўтган. Унинг бўлинмалари асосида турли йилларда республика лойиҳа ташкилотлари тузилган. Хусусан, шаҳарлар сони ошган

лишларни амалга ошириш ҳамда етакчи лойиҳа қидирув ташкилотларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва улар фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 23 мартдаги қарори асосида институт “Ўзшаҳарсозлик ЛИТИ” Давлат унитар корхонасига ўзгарган.

Бу даврлар мобайнида етакчи лойиҳа институтимизга юртимиз меъморилик соҳасига муносиб ҳисса қўшган етук кадрлар раҳбарлик қилган. Хусусан, корхонамизнинг бугунги тараққиётида Зикрилла Каланов, Маҳмуд Саидов, Азиз Ганиев, Мирзааҳмад Мирусманов, Марат Ҳакимов, Шўхрат Абдуқамиллов, Баҳром Абдуллаев ва Ғолиб Маждидов каби юртимизнинг таниқли архитекторларининг ҳиссаси катта.

Корхонамизнинг етакчи муҳандис ва архитекторлар кўп йиллик фаолияти давомида бир неча маротаба давлат мукофотлари билан тақдирланиб, Тошкентнинг фахрий “Олтин китоби”га ҳам киритилган. Улар орасида Халқаро Архитектура академияси профессорлари – академик Б. М. Мағдиев, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган архитектор С. М. Сутягин, Шарқ мамлакатлари Халқаро архитектура академиясининг мухбир аъзоси Г. И. Магаметова, лойиҳалар бош архитектори Р. Н. Адилов, лойиҳалар бош муҳандиси А. М. Мамедов ва бошқаларни алоҳида таъкидласак, арзийди.

Бугун институтимизда ёш кадрларга ҳам катта эътибор қаратилиб, барча шарт ва имконият яратилмоқда. Улардан Илғиз Турғунбаев, Абдуғани Ла-

бугунги кунда институтимизнинг асосий вазиёфалари – тақдим этиладиган лойиҳа-смета ҳужжатлари сифатини доимий равишда кўтариш, лойиҳалаш ва ҳужжат юритиш жараёнини автоматлаштириш, ходимлар малакасини мунтазам ошириб бориш, намунавий лойиҳалар паспортларини тизимлаштириш эъазига лойиҳалаш муддатларини қисқартиришдан иборат.

Мамлакатимиз қиёфасини ўзгартиришга салмоқли ҳисса қўшаётган “Ўзшаҳарсозлик ЛИТИ” ДУК йўл-бошчи ташкилот бўлиши учун барча керакли чора-тадбирларни амалга ошириб келмоқда. Айни пайтда Республикаимиз ҳудудидаги мавжуд 119 та шаҳардан 100 тасининг ва 1 082 та шаҳарча ҳудудларидан 357 тасининг бош режа лойиҳалари ишлаб чиқилган. Улардан 1 201 та шаҳар аҳоли пунктларининг шаҳарсозлик ҳужжатлари “Ўзшаҳарсозлик ЛИТИ” ДУК мутахассисларига тегишли. Хусусан, 2000-2021 йиллар давомида 311 та шаҳар ва шаҳар посёлкаларининг шаҳарсозлик ҳужжатлари яратилган. Улар орасида Наманган, Андижон, Бухоро, Шаҳрисабз, Фарғона, Марғилон, Қўқон, Урганч, Хива, Жиззах, Зомин, саноят шаҳарлари – Навоий ва Зарафшон каби йирик тарихий шаҳарларнинг бош режалари ҳам бор. Шунингдек, институт мутахассислари томонидан Самарқанд вилоятининг Пайарқў туманидаги Имом ал-Бухорий мемориал мажмуасининг батафсил режалаштириш лойиҳаси билан биргаликда бош режаси ҳам ишлаб чиқилмоқда.

Ҳозирда институтимиз режалаштириш билан биргаликда ҳажимий лойиҳалаш ишларини ҳам амалга ошириб келяпти. Бундан ташқари, турар жой қурили-



ни, янги ерлар ўзлаштирилгани, саноатнинг ривожланиши сабабли “Узгоспроект” базаси асосида ГПИ-4 (ҳозирда “Узенгилсаноатлоийҳа”), “Узгипротяжпром” (ҳозирда “Узоғирсаноатлоийҳа”), “Узкоммунинжпроект” (ҳозирда “Узкоммуналлоийҳа”), “УзГИИТИ” (ҳозирда “УзГАШК ЛИТИ”) каби ихтисослашган лойиҳа институтлари ҳамда вилоятлар марказларида институт филиаллари ташкил этилган.

Институт ташкил этилганлигининг илк йилларида ноқ қурилишнинг классик тизими, хизмат кўрсатиш, санитар талаблари ҳисобга олиш, демографиянинг ўсиши, тарихий мавжуд тузилма сақланган архитектура ёдгорликлари асосида шаҳарлар бош режалари ва муҳандислик коммуникациялари лойиҳалари устида ишлар олиб борилди. Шу билан бирга, ўз вақтида йирик объектлар ҳисобланган Бухоро шаҳридаги Маданият саройи, Термиз ва Фарғона шаҳарларидаги меҳмонхоналар лойиҳалари ишлаб чиқилди ва республикада ўсиб бораётган шаҳарлар қурилишидаги жамоат ва турар жой биноларига намунавий лойиҳаларни татбиқ этиш бошланди. Уша йилларда институт мутахассисларининг лойиҳалари асосида Тошкент шаҳрида қурилган биналарга “Родина” (Ватан) кинотеатри (ҳозирги Миллий академик театр), А. Навоий кўчасидаги собиқ Кенгашлар уйи, миллий анъаналардан унумли фойдаланган ҳолда ишлаб чиқилган энг йирик лойиҳаларга Москва шаҳридаги “Халқ ҳўжалиги ютуқлари кўрғазмаси” (ВДНХ)-даги Ўзбекистон павильони, Панорама кинотеатри, нашриётлар, вилоятлар марказларидаги театрларни мисол қилиш мумкин.

Шаҳарсозлик масалаларини комплекс ҳолда ва илмий асосланган ечимга эга бўлишини таъминлаш мақсадида 1977 йилнинг 1 январидан “Узгоспроект” Ўзбекистон илмий-тадқиқот ва шаҳарсозлик бўйича лойиҳалаш институти “ЎзНИИП градостроительства”га ўзгартирилди. Ўзбекистон мустақилликка эришгандан сўнг, институт тузилмасига ўзгартиришлар киритилиб, 1996 йилнинг 1 январидан “Ўзшаҳарсозлик ЛИТИ” очик акциядорлик жамияти сифатида фаолият юритади. Кейинроқ, архитектура-шаҳарсозлик режалаштиришни ташкил этиш тизимини тубдан ўзгартириш, республика ҳудудларида комплекс қури-

ли, таълим ва тиббиёт муассасалари, аэровокзаллар, ижтимоий-маданий объектлар ва саноят иншоотлари, мусиқали драма театрлари лойиҳалари ҳам яратилди. Сўнгги йилларда Тошкентда барпо этилган “Ғалаба боғи”, Фарғонадаги эко шаҳар, Хоразмдаги Ал-Хоразмий ҳайкали ва шаҳарчаси, Ж. Мангуберди ҳайкали ва автомобиль тунели, Тошкентдаги Тошкент-2 халқаро аэропорт лойиҳалари, шунингдек, парклар қурилиши ва реконструкцияси, халқаро аэропортлар, резиденцияларда расмий делегациялар қабул уйи, спорт мажмуалари, бозорлар, тиббиёт муассасалари, тижорат банклари, мемориал мажмуалар, “Ўзбекфильм” АЖнинг бино ва иншоотлари шулар жумласидандир. Шунингдек, бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Сенати биноси реконструкциясининг лойиҳасини ишлаб чиқиш тўлиқ яқунланмоқда. Жиззах вилоятидаги Янги Ўзбекистон массивларининг лойиҳалари ҳам институтимиз мутахассисларининг ижод маҳсулидир.

Янги Ўзбекистоннинг 2022–2026 йилларга мўлжалланган тараққиёт стратегиясида “Ўзшаҳарсозлик ЛИТИ” ДУК каби лойиҳа ташкилотларига ўз вазиёфаларини муддатда ва сифатли бажариш каби катта масъулият юклатилган. Бу вазиёфани бажаришда юксак салоҳиятли жамоанинг жиқлиги алоҳида аҳамиятга эга. Қолаверса, бугун янги технология ва инновациялардан фойдаланган ҳолда иш юритишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган корхонамиз ўз ишини аъло даражада уddалаб келмоқда. Бугунги кунда шаҳарсозлик тизимида мултоқо янги йўналиш – БИМ дастури асосида лойиҳалаш ва режалаштириш тизими институтимизда ҳам кенг жорий этиляпти. Маъзур технология лойиҳалаш ишлари муддатини ва сарфланган ресурсларни қисқартириши билан муҳим аҳамиятга эга.

Байрам арафасида Президент Шавкат Мирзиёев Урганч шаҳрида буюк саркарда Жалолиддин Мангуберди ҳайкалининг очиб берди. Шунингдек, Ал-Хоразмий шаҳарчаси қурилиши пойдевориға капсула қўйди. Ушбу лойиҳани айнан институтимиз мутахассислари яратгани бизга ўзгача фахр тўйғусини бағишлайди.

Азиз юртдошлар! Фурсатдан фойдаланиб, барчангизни мамлакатимизнинг энг улў ва энг азиз байрами – мустақиллик куни билан табриқлаймиш. Юртимиз ривожини ва равнақини йўлида амалга ошираётган улкан бунёдкорлик ишларингизга омад ёр бўлсин.





«ҚИШЛОҚҚУРИЛИШЛОЙИҲА» МЧЖ бош лойиҳа-қидирув институти жамоаси

Фақат тинч ва фаровон
юртдагина бунёдкорликлар
амалга оширилади.
Фақат шундай юртдагина
байрамлар ярашади.
Тўю тантаналар ярашган
мана шу заминда меҳнат
қилаётган, юртимизнинг
замонавий қиёфасини
яратишдек шарафли
вазифани бажариб
келаётган лойиҳачилару
бунёдкорларга мустақиллик
байрами қутлуғ бўлсин!



САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ қурилиш соҳасида ҳудудий назорат инспекцияси жамоаси

*Қадимий ва навқирон Самарқандни
бутун дунё биледи.
Унинг ўтмиши, буруни ва келажagini
қурилишда қадрли дунёдорлар ва
уста меъморларнинг ўз ўрни бор.
Азиз ва муқаддас ватанимизнинг
озодлик тўғрисида барқанузга муборак бўлсин.*



ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ қурилиш соҳасида ҳудудий нazorat инспекцияси жамоаси

31

*Ўзбекистон Республикасининг
мустақиллик байрами
билан табриклаймиз.*



*Энг улуг ва энг азиз байрам –
Ватанимиз мустақиллигининг
31 йиллиги билан табриклаймиз.*

ТОШКЕНТ ШАҲАР
қурилиш соҳасида ҳудудий назорат
инспекцияси жамоаси

ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ қурилиш соҳасида ҳудудий назорат инспекцияси жамоаси

*Кўзна заминнинг янги қиёфасини
яратишдек масъулиятли вазифани
бажариб келаётган қўли гул
қурувчилар ва маҳоратли
меъморларга байрам муборак бўлсин!*

*Мустақкам осмонўпар миноралар,
иморатлар барпо этишдек
масъулиятли касбингизга
ривож тилаймиз.*



НАВОИЙ ВИЛОЯТИ

қурилиш соҳасида ҳудудий назорат инспекцияси жамоаси

Қадри ва қадди баланд
азиз юртдошларимизга
ватанимиз
мустақиллигининг

31 йиллиги

муборак бўлсин.
Ҳар бир оилани
тинчлик-тотувлик,
бахт ва омад
тарк этмасин!



БУХОРО ВИЛОЯТИ

қурилиш соҳасида ҳудудий назорат инспекцияси жамоаси

Мустақиллик нашидаси туфайли тобора
чирой очиб бораётган шу азиз ватанда
яшаётган барча юртдошларимизга
байрам муборак бўлсин.
Бунёдкорлик йўлида олиб бораётган
ишларингизга улкан омад,
бахту саодат тилаймиз.



ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОНДА ЭЛ АЗИЗ, ИНСОН АЗИЗ

Райхона ХУЖАЕВА,
"O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

Ватанимиз мустақиллигининг 31 йиллик тўйи муносабати билан ҳар соҳада ўзига хос янгиликлар, янгиликлар ва ислохотлар амалга оширилмоқда. Истиқлолнинг имкониятлари тўғрисида бугун юртимизда жаҳон стандартларига мос равишда ривожланмаган соҳанинг ўзи қолмади. Шу қаторида бугун темир йўл тизимида ҳам катта ўзгаришлар содир бўлмоқда. Зеро, ҳеч бир соҳа тараққиётини темир йўл тизими фаолиятисиз тасаввур этиб бўлмайди. Албатта, мамлакатимизнинг ҳар бир жабҳаси ривожланишида темир йўл ва темир йўлчиларнинг муносиб меҳнати борлигини эътироф этиш ўринлидир.

Ватанимиз мустақиллиги кенг нишонланаётган шукҳли кунларда эзгу байрамни темир йўлчилар ҳам пойтахтимиз ва мамлакатимизнинг турли ҳудудларидаги тарихий аҳамиятга эга, халқимиз фаровонлиги, давлатимиз иқтисодий юксалишига, қолаверса, юртимизнинг, юртоқларимизнинг келажак ҳаёти учун катта наф келтирадиган лойиҳаларни амалга ошириш билан муносиб кутиб олмақда. Хусусан, пойтахтимизда бунёд этилаётган ер усти ҳалқа метро йўналишининг қарийб 8,5 километрлик "Кўйлик – Қурувчилар" йўналишининг 2-босқичида қурилиш ишлари давом этаётган 5 та бекатни ўз ичига олган мазкур лойиҳа жорий йил якунига қадар битказилиши кутилмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг 2020 йил 28 декабрдаги "Ўзбекистон Республикасининг 2021-2023 йилларга мўлжалланган Инвестиция дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида 2021 йилнинг март ойида темир йўлчилар томонидан Бухоро – Урганч – Хива йўналишида юқори тезликда ҳаракатланувчи поездлар қатновини ташкил этиш учун электрлаштириш ишлари бошланган эди. Айни дамда участка йўллари бўйлаб пойдевор ҳамда темир-бетон устунлар ўрнатилмоқда. Замонавий техникалар ёрдамида устунларга электр симларини ушлаб туриш учун консоллар монтаж қилинган. Электрлаштириш икки йўналишида – Бухоро ҳамда Хоразм вилоятлари ҳудудидан олиб борилмоқда. Умумий узунлиги 465,5 километрлик ушбу йўналишдаги ишларнинг тўлиқ тугалланиши натижада тармоқ тасарруфидagi пўлат исларнинг электрлаштирилган ҳудуди қарийб 50 фоизга етади. Қолаверса, Тошкент – Самарқанд – Навоий – Бухоро – Урганч – Хива йўналишида тезорар ҳамда юқори тезликда ҳаракатланувчи экологик хавфсиз электропоездлар қатновини йўлга қўйишда муҳим аҳамиятга эга бўлади. Табиийки, бу йўл учун кетадиган вақт, ёнилғи ва бошқа харажатларнинг ҳам тежалишига замин яратилади.

Бундан ташқари, Навоий – Бухоро участкасида электрлаштирилган иккинчи юқори тезликдаги темир йўл қурилиши лойиҳаси ҳам амалга оширилмоқда. Бугунги кунда Тошкент – Самарқанд, Тошкент – Қарши ҳамда Тошкент – Бухоро йўналишида юқори тезликда ҳаракатланадиган "Afrosiyob" поездларининг мунтазам қатнови амалга оширилмоқда. Тошкент – Самарқанд – Мароканд участкаси икки йўналишли пўлат ислардан ташкил топган бўлса, Навоий – Бухоро йўналиши бир изили темир йўл участкасидан иборат. Шу боис, Навоий – Бухоро участкасида электрлаштирилган иккинчи юқори тезликдаги темир йўл бунёд этиб, поездлар қатновини янада қулай, хавфсиз ҳамда ишончли бўлишига, энг муҳими, уларнинг қатнов вақтини янада қисқартиришга эришилади. Навоий – Бухоро участкасининг иккинчи йўли узунлиги 92,1 километрдан иборат бўлиб, "Ўзбекистон темир йўллари" акциядорлик жамиятининг ўз маблағлари ҳисобига барпо этилмоқда.

ЎТАЁТГАН ҲАР БИР ЙИЛ ТЕМИРЙЎЛЧИЛАР УЧУН ҲАМ ТАРИХИЙ БУНЁДКОРЛИКЛАРГА БОЙ БЎЛЯПТИ



Юртимизда кўприклар қадимдан узокни яқин, мушкулни осон қилувчи восита сифатида қадрланиб келинади. "Ўзбекистон темир йўллари" акциядорлик жамиятининг "Кўприкқурилиш" трести унитар корхонаси мутахассислари томонидан Хоразм вилоятини Қорақалпоғистон Республикаси билан боғловчи, Амударё устидан ўтадиган янги темир йўл ва автомобиль йўли қўша иншооти ҳам ана шу мақсадда бунёд этиляпти. Президентимизнинг 2020 йил декабр ойида Хоразм вилоятига ташрифи чоғида эски кўприк ўрнига нафақат автомобиль, балки темир йўл транспорти учун ҳам мўлжалланган замонавий кўприк қуриш бўйича берган топшириғи мазкур ҳудудда яқини аҳолининг кўп йиллик орзуларини рўёбга чиқаряпти.

Лойиҳага кўра, дастлаб Қораўзақ туманидан Амударё ва Гурлан туманлари орқали Шовот туманигача умумий узунлиги 80,2 километр бўлган темир йўл линиясини ҳамда ушбу оралиқдаги 27 та темир йўл кесимчасини қуриш белгиланди. Шунингдек, 4 та автйўл ўтказгич, 9 та кўприк ҳамда 25 кишига мўлжалланган 1 донга, 50 кишига мўлжалланган 2 та темир йўл вокзалини бунёд этиш, асосий темир йўл ва автомобиль йўли қўша мўлжалли ҳамда бошқа техник хизмат кўрсатиш бино-иншоотларини қуриш кўзда тутилган. Айни пайтда дарёнинг икки соҳилида ҳам қурилиш ишлари жадаллик билан олиб борилмоқда. Янги қурилаётган кўприк ва унга қадар бўлган 10 километрга яқин ҳамда иншоотдан кейинги ҳудудда 70 километрдан ортиқроқ темир йўлнинг барпо этилиши натижада Россия Федерацияси ва Қозғоғистон Республикасида юкларни ташиниш масофаси 240 километрга, уларни манзилга етказиш вақти эса 6 соатга қисқаради. Бундан ташқари, ушбу кўприк орқали ўтаётган юкларнинг йиллик самараси 150 миллиард сўмга яқин бўлади. Шунингдек, бугунги кунда Хоразм вилояти ва Қорақалпоғистон Республикаси ўртасидаги темир йўл орқали ташилаётган юкларнинг ўртача ҳажми 12 миллион тоннани ташкил қилаётган бўлса, янги кўприк ҳамда темир йўл қурилганидан сўнг юклар ҳажми лойиҳанинг ўзини



қоқлаш мuddатига етиб боргунга қадар 20-25 миллион тонна атрофида бўлади. Маълумки, мамлакатимиз пойтахтидан унча узоқ бўлмаган, яъни, бор-йўғи 40 километр шимолда жойлашган Чирчиқ шаҳри ҳам йил сайин ривожланиб бормоқда. Ишлаб чиқариш корхоналари кўпайиб, кўп қаватли аҳоли турар жойлари қурилмоқда. Бу эса ушбу шаҳарда аҳоли сонини ҳам ортишига сабаб бўлмоқда. Қолаверса, Чирчиқ шаҳридан 20-30 километр шимолдаги ҳудудда бўлган Бўстонлиқ туманидаги Хўжақент ва тоғли ҳудудлар ёз ҳамда қиш фаслларида нафақат Тошкент аҳолиси, балки, республикамизнинг барча ҳудудларидан келадиган фуқаролар учун ажойиб дам олиш масканига айланади. Шу боис, пойтахтимиз билан Чирчиқ шаҳри ҳамда Хўжақент дам олиш масканларини боғлаб турадиган транспорт йўналишларига бўлган талаб йил сайин ортиб бормоқда.

Давлатимиз раҳбари 2021 йилнинг 18-19 март кунлари Тошкент вилоятининг Чирчиқ шаҳрига қилган ташрифи давомида Тошкент – Чирчиқ оралиғида транспорт тизимини янада ривожлантириш ва аҳолига қулайлик яратиш масадида темир йўл бўйлаб тезорар электропоездлар қатновини йўлга қўйиш юзасидан кўрсатма берган эди. Шундан сўнг, жамият томонидан "Салар – Чирчиқ – Хўжақент" темир йўл участкасини тезорар поездларга мослаштириш учун белгиланган лойиҳа бўйича икки босқичдаги таъмирлаш ишлари бошлаб юборилди. Ўтган вақт давомида "Тошкент минтақавий темир йўл узели" унитар корхонаси тасарруфидаги корхоналар томонидан Тошкент – Чирчиқ – Хўжақент йўналишида электропоездлар тезлигини янада ошириш учун пўлат исларни тубдан таъмирлаш ишлари амалга оширилди ва бу жараён хозирги кунда ҳам давом эттирилмоқда.

Соҳада ислох қилиниши лозим бўлган асосий йўналишлардан бири юк ва йўловчи вагонларини янгилаш, локомотив паркинни тубдан ривожлантириш масаласи эди. Бу йўналишда ҳам қурилган самарали чоралар тўғрисида замонавий тепловоз ва электровозлар сотиб олинди. Йўлов-

чиларга янада қулайликлар яратиш мақсадида халқаро талабларга мос янги вокзаллар қурилиб, мавжудлари қайта таъмирланди. Марказий Осиё давлатлари орасида ягона бўлган юқори тезликда ҳаракатланадиган "Afrosiyob" электропоезднинг қатнов ҳаракати кенгайиб борапти. Бугунги кунда пойтахтдан тарихий шаҳарларимизга 6 та ана шундай замонавий поезд қатнови йўлга қўйилган бўлиб, маҳаллий ва хорижий йўловчиларга сифатли хизмат кўрсатилмоқда.

Мустақиллик йилларида юк ва йўловчи вагонларини ўзимизда маҳаллийлаштириш дастури асосида қуришга катта эътибор қаратилди. 2001 йилда ташкил этилган "Тошкент йўловчи вагонлари қуриш ва таъмирлаш заводи" акциядорлик жамияти томонидан йўловчи вагонларини таъмирлаш ва янгилашни қуриш йўлга қўйилгани фикримизнинг далилидир. "Қуюв-механика заводи" ҳамда "Андижон-механика заводи" шўъба корхоналарида бир неча турдаги юк вагонлари таъмирланиб, янгилари ишлаб чиқарилмоқда. Бу билан темир йўлларда ўзимизда ишлаб чиқарилган юк ва йўловчи вагонлари харақатланишига асос солинди. Импорт ўрнини босган ушбу вагонлар сабаби йилга миллионлаб долларлик валюталарни тежашга эришилапти.

"Ўзбекистон темир йўллари" акциядорлик жамияти тизимида юқори малакали мутахассислар фаолият юритиб, улар учун барча замонавий оғир техникалар мавжуд. Ўтган йиллар давомида оғир санаятда қурилиш ишлари учун зарур қўшимча замонавий техникалар сотиб олинди. Бу эса уларга нафақат соҳа тараққиёти учун, балки республикамизнинг бошқа йўналишларида ҳам самарали бунёдкорликларни ишончли ва сифатли амалга ошириш имконини беради. Шу боис, сўнгги йилларда ҳукуматимиз томонидан оғир санаятда маъсуляти қурилиш ишлари, шаҳарсозлик бўйича бунёд этилаётган катта лойиҳалар жамиятга ишониб топширилмоқда. Тармоқ тасарруфидаги "Кўприкқурилиш" трести унитар корхонаси мутахассислари томонидан олиб борилган самарали чоралар тўғрисида замонавий тепловоз ва электровозлар сотиб олинди. Йўлов-

да барпо этилаётган замонавий ва маҳобатли кўприклар, йўл ўтказгичлар, Тошкент шаҳрида қурилаётган ер усти ҳалқа метро йўналишлари нафақат аҳолига қулайлик, балки юртимиз чиройига чирой, кўригига кўрк қўшмоқда.

– Маълумки, 2020 йилнинг март ойидан бошлаб бутун дунёда, жумладан, Ўзбекистон Республикасида ҳам "Covid-19" коронавирусининг тарқалиши натижада нафақат маҳаллий қатновларда, балки халқаро йўналишларда ҳам йўловчи поездлар қатнови вақтинча тўхтатилган эди, – деди, "Ўзбекистон темир йўллари" акциядорлик жамиятининг йўл ҳўжалиги бошқармаси бошлиғи, Ўзбекистон Қархонаси Эркин УММА-ТОВ, – Орадан икки ярим йил ўтиб, ҳукуматимиз ва "Ўзбекистон темир йўллари" акциядорлик жамияти томонидан темир йўл орқали халқаро қатновларни босқичма-босқич тиклаш мақсадида қўшни давлатлар билан олиб борилган ишончли ва самарали ҳамкорлик тўғрисидаги йўловчи поездларнинг халқаро қатнови тикланмоқда. Хусусан, жорий йилнинг 15 май санасидан "Ўзбекистон темир йўллари" акциядорлик жамияти "Қазақстан темир жолы" МК акциядорлик жамияти билан келишган ҳолда 647/648-сонли Нукус – Бейнеу – Нукус йўналишидаги халқаро йўловчи поездининг қатнови бошланди. 2022 йил 16 майдан бошлаб, Олма-ота-2 – Тошкент – Олма-ота-2 йўналишида 1/2-сонли "Тулпор-Талго" поездининг қатнови ҳам қайта тикланди. 2 ярим йиллик таъмирлаш сўнг илк бор Ўзбекистонга қараб йўл олган ушбу поезд 17 май кун соат 11.05да "Тошкент-Марказий" темир йўл вокзалига кириб келди. Таркиби 24 та йўловчи вагондан иборат бўлган мазкур поезд бир томонга ҳаракатланганда 425 нафар йўловчини ўз манзилига етказиб қўйиш имкониятига эга. Жорий йилнинг 21 июнь кун эса Душанбе – Тошкент – Душанбе йўналишидаги халқаро йўловчи поезди қатнови йўлга қўйилди. Таъкидлаш лозимки, Душанбе – Тошкент – Душанбе йўналишидаги халқаро йўловчи поезди 30 йил ичида биринчи бор мамлакатимизнинг Сурхондарё, Қашқадарё, Самарқанд, Жиззах, Сирдарё ва Тошкент вилоятларидан ўтиб, пойтахтимиздаги "Тошкент-Марказий" темир йўл вокзалига келди.

Бундан ташқари, жорий йилнинг 23 июнидан бошлаб Россия Федерациясининг Самара шаҳрига ҳам йўловчи поезди қатнай бошлади. Унга кўра, 5/6-сонли поездининг Тошкент – Самара – Тошкент ҳамда Тошкент – Волгоград – Тошкент йўналишидаги халқаро қатновлар ҳам йўлга қўйилди. Юк ташини соҳасида ҳам мижозлар ва тадбиркорлар учун станцияларда қулай шaroитлар яратилди. Станцияларнинг асари янгидан қурилиб, юк ташини ва мижозларга хизмат кўрсатишда электрон тизим қўрилди келди. Бу эса хизмат кўрсатаётган мутахассислар учун ҳам, мижозлар учун ҳам кўпроқ муаммаларни ҳал қилишга ёрдам берди. Логистика йўналиши ҳам кундан-кунга ривожланиб, юкларни контейнерлар орқали ташинишда халқаро мультимодал йўналишлари вуҷудга келмоқда. Бу эса мамлакатимизнинг маҳаллий ва халқаро йўналишлардаги транзит юкларни янада қўлайлаштиришга сабаб бўляпти.

Албатта, эришилаётган ютуқлар шу соҳа ходимларининг завлорли меҳнати маҳсулидир. Бироқ бугун шиддат билан ривожланиб бораётган замонада қўлга киритилган ютуқлар билан қўлайлик қўлиб бўлмайди. Янада катта марралар, ваъзалар, ириик ва замонавий лойиҳалар устида ишлаш давр талаби, тараққиёт кафолати, халқимиз ҳаётининг янада фаровон бўлиши гаровидир. Шундай экан, бугунги замон нафасини ҳис қилган темир йўлчилар ривожланиш сари илдам қадамлар билан олдинга интилмақда. Темир йўлларда юк ва йўловчи қатновларини хавфсиз таъмирлаш ҳамда тизимда янги бунёдкорликларни бажариш устида ишланмоқда. Шу боис, соҳа ходимлари учун ўтаётган ҳар бир йил тарихий йўналишларга бой бўляпти, десак адашмаган бўламиз. Бунда шу соҳада фаолият кўрсатаётган ҳар бир темир йўлчининг муносиб ўрни ва меҳнати мужассам.

"Respublika mulk markazi" МЧЖ "Poytaxt filiali"

Бошланғич баҳоси ошиб бориши тартибидан ўтказиладиган очик аукцион савдога таклиф этади!

Аукцион савдога "MOMENT-KREDIT LOMBARD" МЧЖнинг 2022 йил 29 августдаги 36-сонли ариза бюртномаси ҳамда Тошкент шаҳри, Миробод тумани хусусий амалиёт билан шугулланувчи нотариал идоранинг 2022 йил 18 январь ва 11 февралдаги ижро хатларига асосан, ундиривга қаратилган, Тошкент вилояти, Бекобод шаҳри, Саломатлик кўчаси, 19-уй, 7-хонадон манзилида сақланаётган қуйидаги заргарлик буюмлари қўйилмоқда:

№	Гаров патта рақами	Заргарлик буюмлари номи	Бошланғич баҳоси, сўмда
1.	1082	Цепочка; кулон. Общим весом 33,66 гр.	14 268 000,00
2.	1115	Серьги с к.к. Общим весом 4,41 гр.	1 845 000,00
3.	1136	кольцо с к.к.; кольцо с к.к.; серьги с к.к. Общим весом 12,01 гр.	5 026 500,00
4.	1210	Кольцо с б.к.; кольцо с б.к. Общим весом 4,70 гр.	1 845 000,00
5.	1579	Цепочка. Общим весом 3,94 гр.	1 693 500,00
6.	1650	Кольцо обр. с б.к.; кольцо с б.к. с деф.; серьги с б.к. Общим весом 5,90 гр.	2 310 408,00
7.	1656	Колье "Арча" с з.б.к. Общим весом 11,80 гр.	5 026 500,00
8.	1727	Цепочка с кулоном; серьги висючие "Cartier". Общим весом 17,78 гр.	6 087 000,00
9.	1767	Перстень жен. Общим весом 2,85 гр.	1 223 850,00
10.	1864	Браслет с деф. пор.; кольцо "Күйш" с к.к.; кольцо с кор. кам. Общим весом 6,83 гр.	2 732 790,00
11.	1880	Серьги с б.к.; браслет "Картье". Общим весом 7,69 гр.	3 208 500,00
12.	1932	Серьги с б.к.; серьги шарик. Общим весом 5,79 гр.	2 451 000,00
13.	1941	Серьги болдок. Общим весом 5,07 гр.	2 148 000,00
14.	2033	Кольцо обр. Общим весом 3,84 гр.	1 463 220,00
15.	2146	Браслет. Общим весом 9,93 гр.	4 117 500,00
16.	2295	Серьги с б.к. с деф. Общим весом 2,48 гр.	936 000,00
17.	2326	Кольцо с р.к. Общим весом 1,48 гр.	481 500,00
18.	2356	Серьги болдок с к.к. Общим весом 6,27 гр.	1 996 500,00
19.	2367	Цепочка. Общим весом 11,49 гр.	4 875 000,00
20.	2398	Серьги "Анжир" с к.к. Общим весом 3,13 гр.	1 166 280,00

№	Гаров патта рақами	Заргарлик буюмлари номи	Бошланғич баҳоси, сўмда
21.	2486	Браслет; кольцо с б.к.; кольцо с б.к.; кольцо с б.к. с деф.; кольцо с б.к.; серьги с б.к. с деф. Общим весом 14,37 гр.	6 087 000,00
22.	2514	Перстень с деф.; серьги "Туя тиш" с к.к. Общим весом 8,05 гр.	3 360 000,00
23.	2540	Кольцо с р.к. Общим весом 7,20 гр.	3 057 000,00
24.	2561	Серьги шарик; кольцо шарик; кольцо с к.к.; кольцо с б.к. с деф.; кольцо с б.к. с деф. Общим весом 13,23 гр.	4 156 890,00
25.	2624	Перстень с деф. Общим весом 2,09 гр.	784 500,00
26.	2804	Серьги болдок; серьги с р.к.; серьги с к.к. Общим весом 10,59 гр.	4 165 677,00
27.	2825	Кольцо "Чалма" с б.к.; кулон с ч.б.к.; цепочка. Общим весом 8,75 гр.	3 459 384,00
28.	2850	Цепочка; кулон. Общим весом 7,27 гр.	3 057 000,00
29.	2851	Перстень; кольцо с ч.б.к.; серьги с ч.б.к. Общим весом 12,20 гр.	5 178 000,00
30.	2945	Цепочка; серьги. Общим весом 8,05 гр.	3 663 000,00
31.	2989	Кольцо. Общим весом 2,28 гр.	936 000,00
32.	3072	Серьги шарик; кольцо. Общим весом 3,84 гр.	1 542 000,00
33.	3082	Цепочка. Общим весом 9,66 гр.	4 269 000,00
34.	3104	Кольцо обр. с б.к. Общим весом 2,16 гр.	936 000,00
35.	3201	Серьги с б.к.; кольцо с б.к.; серьги с бир.; кольцо шарик. Общим весом 11,57 гр.	5 178 000,00
36.	3214	Перстень с б.к.; кольцо. Общим весом 9,33 гр.	3 966 000,00
37.	3277	Серьги с б.к.; кольцо с деф. Общим весом 8,01 гр.	3 663 000,00
38.	3459	Кулон; серьги болдок с к.к. деф. Общим весом 4,75 гр.	2 148 000,00
39.	3525	Кольцо. Общим весом 4,84 гр.	2 148 000,00
40.	3555	Кольцо с б.к.; серьги с б.к. Общим весом 4,11 гр.	1 845 000,00
41.	3559	Серьги с з.б.к.; кольцо с б.к.; серьги с б.к.; кольцо с б.к. Общим весом 15,37 гр.	6 390 000,00

№	Гаров патта рақами	Заргарлик буюмлари номи	Бошланғич баҳоси, сўмда
42.	3567	Перстень; цепочка с деф. Общим весом 9,44 гр.	4 269 000,00
43.	3665	Кольцо с б.к. 1 к. отс.; серьги с б.к.; кольцо обр. с б.к. Общим весом 8,11 гр.	3 663 000,00
44.	3745	Серьги болдок с к.к. Общим весом 6,31 гр.	2 299 500,00
45.	3748	Цепочка. Общим весом 20,26 гр.	9 117 000,00
46.	3906	Серьги "Болдок". Общим весом 3,35 гр.	1 542 000,00
47.	3935	Кольцо; кольцо с жем. Общим весом 7,78 гр.	3 511 500,00
48.	3956	Кольцо сетка; кольцо с з.к. с деф.; кольцо с б.к. 2 к. отс. с деф.; кольцо с б.к. с деф.; кольцо обр.; серьга 1 шт. кам. отс. Общим весом 10,07 гр.	4 572 000,00
49.	4012	Кольцо с б.к.; серьги с к.к. туя тиш. Общим весом 5,14 гр.	2 299 500,00
50.	4207	Серьги с б.к. Общим весом 2,76 гр.	1 239 000,00

Аукцион савдолар 2022 йил 4 октябрь кун соат 11.00 дан бошлаб ўтказилади. Аризаларни қабул қилишнинг охириги мuddати: 2022 йил 30 сентябрь кун соат 18.00 гача. Аризалар расмий иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (13.00 дан 14.00 гача тушлик). Юқоридаги заргарлик буюмлари 2022 йил 4 октябрь кун соатилмаган тақдирда, тақрорий савдолар 2022 йил 17, 31 октябрь кунлари соат 11.00 дан бошлаб ўтказилади. Тақрорий савдолар учун аризаларни қабул қилиш бир иш кун олдин соат 16.00 да тўхтатилади. Савдо фoлибига 10 кун ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади. Талабдорлар мулк бошланғич баҳосининг 5 фоиздан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини ХАТБ "Давр банк" Олмасор филиалидаги қўйидаги ҳисоб рақамга тўлашлари шарт: 2020 8000 0005 7145 2008 МФО 01121 СТИР 200 933 850. Аукцион савдо ўтказиладиган ва аризалар қабул қилинади қўйидаги Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Ҳамид Олимжон кўчаси, 13-А уй. Телефон: 71-237-23-96. Расмий веб-сайт: www.rmm.uz

001805 рақамли гувоҳнома.

Наманган вилояти

Қонун тарғиботига бағишланди

Нурбек АБДУЛЛАЕВ,
"O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

Наманган вилояти Қурилиш бош бошқармасида ҳар жума кун ишнинг маърифат соатларида ташқари турли мавзуларда тадбирлар ҳам тез-тез ўтказилади. Уларга олий ўқув юрлари ўқитувчилари, давлат ва жамоат ташкилотларининг вакиллари, депутатлар, ҳуқуқшунослар тақлиф этиб турилади.

Айниқса, қонунчилик соҳасидаги янгиликлардан жамоа аъзолари вақтида хабардор қилиш диққат марказида бўляпти. Масалан, ўтган ҳафтада "Давлат фуқаролик хизмати тўғрисида"ги Қонун тарғиботига бағишланган тадбир ташкил этилди. Унда

бошқарма ходимлари билан биргаликда шаҳар ва туманлар қурилиш бўлимларининг раҳбарлари иштирок этишди. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги Наманган вилояти филиали ташаббуси билан вилоят Қурилиш бош бошқармасида тарғибот семинари ташкил этилди. Уни бошқарма бошлигининг ўринбосари Аврамжон Охунов очди. Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги Наманган вилояти филиали масъул ходимлари Ж. Эргашев ва Б. Саримсоқов шу йил 4 август санасида Президент ҳузурида бўлиб ўтган видеоселектор йиғилишида белгиланган вазифалар, уларнинг ижросини таъминлаш борасида амалга оширилаётган чора-тадбирлар ҳамда 8 августда юртбошимиз томонидан имзоланган

"Давлат фуқаролик хизмати тўғрисида"ги Қонун қабул қилингани, мазкур қонун билан давлат фуқаролик хизматчиларининг ҳуқуқ-мажбуриятлари, вазифалари ҳамда уларнинг мақоми аниқ белгилаб берилгани таъкидланди. – Янги қонун ҳақидаги суҳбат барчамизда катта таассурот қолдирди, – деди Янгиқўрғон тумани қурилиш бўлими бошлиғи Элёрбек Эргашев. – Унга кўра, бундан буён кадрларни очиб танлов орқали саралаш тизими жорий этилади. Иш вақти ва ҳақ тўлашнинг шакллари ҳуқуқий жиҳатдан аниқ механизмлар асосида тартибга солинади. Тадбир иштирокчиларига қонуннинг мазмун-моҳияти ва аҳамиятини давлат хизматчиси сифатида аҳоли ўртасида кенг тарғиб этиш борасида тавсиялар берилди.

Тошкент шаҳри

Чорсуда бизнес маркази қуриляпти

Эркин ҲОЖИМУҲАММАД,
журналист.

Ўз устида ишлаб, қилган ишини кимгадур кўрсатса ва эътибор туфайли эътироф олса, янада изланишларга йўл очилар экан. Ана шундай изланувчан кишиларга давлатимиз томонидан катта эътибор берилмоқда.



Бугунги кунда ўз бизнес карьерасини юқори чўққиларга чиқармоқчи бўлган тадбиркорлар учун давлат кредитлар, уларга моддий ёрдам, керак бўлса, арзон сотув дўконлари тақдим этилган. Энди иш бошлаган ёш тадбиркорларга эса турли имтиёзлар берилляпти.

"Чорсу" савдо маркази ёнгинасида ана шундай ўз тадбиркорлик карьерасини юргизаман, деган ишбилармонлар учун "Tashkent Business Center" янги савдо маркази "Mega City Invest" қурилиш компанияси томонидан қурилмоқда. Бунёд этилаётган бино шаҳар маркази ва метро бекати ёнгинасида жойлашгани инобатга олак, тадбиркорлар ва харидорлар савдо қилишлари учун жуда қулай ҳисобланади. Савдогарлар савдо товарларини келтириб сотиши ва харидорларнинг савдо қилган юкларини олиб кетишлари йўлга қуриляётган бино ҳар иккала томон учун энг қулайдир.

– Замонавий бино барча хавфсизлик талабларига жавоб беради, ташқи ва ички ҳимоялар ҳам мавжуд, ҳар бир хона электр тизимлари билан жиҳозланади, – деди курувчи Абборбек Мирзамаҳмудов.

Ун қаватли бино қуриб, фойдаланишга топширилгандан сўнг марказ ёш тадбиркорлар, хусусий савдо компаниялари, турли савдо ташкилотлари, ўқув марказлари билан тўлиши кутилмоқда. Унинг том қисмига қуриляётган басейн, теннис корти, спорт билан шуғулланиш учун барча шaroитлар бўлишини назарга олсак, спортни сеувчилар учун аjoyиб янгилик бўлиши турган гап.

Навоий вилояти

Мактаблар янги ўқув йилига шай

Ҳилола ИСМАТОВА,
"O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

Умумий ўрта таълим тизимида илгор тажриба ва замон талабларига мувофиқ таълим олиш имкониятларини яратиш, халқ таълими муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, бюджетдан маблағ билан таъминлашнинг самарадорлигини ошириш, ёшлар таълим-тарбияси учун зарур шaroитлар яратишга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш бўйича изчил ислохотлар амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга, таълим муассасаларининг мавжуд ҳолати, улар фаолиятидаги тизимли муаммолар ва камчиликларни тезкор бартараф этиш механизмларини яратиш, қишлоқ ҳамда шаҳар мактабларининг моддий-техник таъминоти, шунингдек, таълимдаги тафовутни қисқартириш, ёшлар таълим олишлари учун тенг шaroитлар яратишга қаратилган янги турдаги умумтаълим муассасаларини барпо этиш, муқаддам қурилган биноларни босқичма-босқич замонага мослаштиришга қаратилган ислохотлар қишлоқ мактабларида ҳам замонавий таълимни шакллантириш имкони яратилмоқда.

Навоий вилояти ҳокимлиги "Ягона буюртмачи хизмати" ИК буюртмачилигида 2022 йил инвестиция дастури доирасида Хатирчи, Қизилтепа, Нурота, Қонимех туманларидаги 19 та умумтаълим мактаблари қиритилган. Қайта



реструкция қилинган мазкур иншоотлар янги ҳолати, улар фаолиятидаги тизимли муаммолар ва камчиликларни тезкор бартараф этиш механизмларини яратиш, қишлоқ ҳамда шаҳар мактабларининг моддий-техник таъминоти, шунингдек, таълимдаги тафовутни қисқартириш, ёшлар таълим олишлари учун тенг шaroитлар яратишга қаратилган янги турдаги умумтаълим муассасаларини барпо этиш, муқаддам қурилган биноларни босқичма-босқич замонага мослаштиришга қаратилган ислохотлар қишлоқ мактабларида ҳам замонавий таълимни шакллантириш имкони яратилмоқда.

ли, "Тамбаҳрин" МФИдаги 22-сонли, "Ангидон" МФИдаги 71-сонли, "Майдон" МФИдаги 52-сонли мактаб қайта реконструкция қилиниб, янги ўқув йилига шай ҳолатга келтирилди. Мазкур муассасаларда қурилиш-монтаж ишлари бажарилиб, 4 та янги спорт заллари барпо этилди ва 2 мингга яқин ўқувчи ўрни яратилди.

Навбахор туманида эса 37 та таълим муассасаси мавжуд бўлиб, шундан, 34 таси умумтаълим мактаби, 3 таси айрим фанларга чуқурлаштириб ўқитишга ихтисослаштирилган мактаб ва мактаб-интернатини ташкил этади. Бугунги кунда туманда 18 212 нафар ўқувчиларга 2 013 нафар тажрибали ўқитувчилар дарс бermoқда.

Туман бош архитектори Бунёд Жўрақуловнинг таъкидлашича, 3-умумий ўрта таълим мактабининг инвестиция дастури доирасида мукаммал таъмирлаш учун 6,5 млрд сўм маблағ ажратилди ва бугун ушбу мактаб янгидан қад ростлади. Янги кўринишдаги таълим муассасасида барча шaroитлар яратилди. Унинг очилиш маросимида туман ҳокими ўринбосарлари ва кенг жамоатчилик иштирок этишди. Мактаб ҳовлиси, синф хоналарини кўздан кечирган меҳмонлар обод ва озод юртимиздаги бунёдкорлик ишларини мамнуқли, яратилган шaroитлардан шукроналик ҳисларини изҳор қилишди.

Архитекторлар, курувчилар меҳнати самараси бўлган янги бинолар келажак авлоднинг эртанги порлоқ кунни, юртимиз равнақи йўлида хизмат қилиши билан аҳамиятлидир.

Қашқадарё вилояти

Байрам тўхфалар билан кутиб олинапти

Шухрат НОРМУРОДОВ,
"O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

Энг улуг ва энг азиз байрам – Мустақиллигимизнинг 31 йиллик шуқуҳи кезиб юрган шу кунларда Қашқадарё вилоятининг ҳар бир гўшасида қад ростлаётган янги бинолар, ижтимоий объектларнинг очилиш маросимлари кўтаринки руҳда ўтмоқда.

Тўйга тўёна деганларидек, вилоятда 110 дан ортқк ижтимоий соҳа объектлари ишга тушиши кутилмоқда.

Жумладан, Шаҳрисабз туманидаги 68-умумтаълим мактабининг янги биноси очилиш маросимида туман ҳокимлиги ходимлари, вилоят халқ таълими бошқармаси масъуллари, нурунийлар иштирок этиб, мамлакатимизда таълим соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар ҳақида сўз юритди. 417 ўринга мўлжалланган мазкур таълим муассасасининг замонавий кўринишга келишида 4 млрд сўмдан зиёд маблағ инвестиция дастури асосида ажратилди. Мактабдаги шaroитлар ёшларнинг замон талабига жавоб берадиган кадрлар бўлиб етишиши учун замин яратади.

Поликлиника биноси ишга тушди

Қарши шаҳридаги 3-сонли оилавий поликлиниканинг янги биноси фойдаланишга топширилди. Шу муносабат билан ташкил этилган тадбирда вилоят ва шаҳар ҳокимлари, бошқа масъуллар, маҳалла фаоллари, нурунийлар, кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этишди.

Оилавий поликлиника 1956 йилда қурилган бўлиб, аҳоли ва тиббиёт ходимлари учун қатор ноқулайликлар мавжуд эди. Унинг ўрнига 4 млрд сўмга яқин маблағ эвазига, замонавий типдаги 3 қаватли поликлиника

биноси қуриб битказилди ва 36 нафар шифокор, 114 нафар ўрта, 20 нафар кичик тиббиёт ходимлари меҳнат қиладиган муассасида аҳолига сифатли тиббий хизмат кўрсатиш учун барча шaroитлар яратилди.

Косонда инновацион гинекология клиникаси очилди

Мустақиллигимизнинг шодиёналари арафасида Косон тумани аҳолиси учун ҳам қатор ижтимоий соҳа объектлари ишга тушгани кўшалоқ байрам бўлди.

Туман марказида анча вақтдан бунёд қилинган Маданият маркази ишга тушди.

Тўғараклар учун хоналар ва замонавий концерт зали жойлашган.

Шу кунни яна бир объект, инновацион гинекология клиникаси ҳам фойдаланишга топширилди. Тадбиркор Ф. Камолов томонидан қурилган мазкур клиника учун 2 млрд сўм маблағ сарфланди. Шундан 1 млрд сўм тадбиркорнинг ўз маблағи ва 1 млрд сўми банк кредити кўмағидир. Мазкур тиббиёт маскани ишга тушиши билан 11 киши доимий иш ўрнига эга бўлди.

Эски кинотеатр биноси ўрнида қад ростлаган 3 қаватли замонавий марказ ўзига хос дизайнга эга бўлиб, унда

Болажонларга совға

Вилоятда болажонлар учун ишга тушаётган янги мактабгача таълим ташкилотлари бинолари ҳам жажжи қалб соҳибларига шодиёналар тақдим этмоқда. Шу кунларда жойларда ишга тушаётган 38 та янги МТТлар учун чинакам байрам совғаси бўлмоқда.

Жумладан, Нишон туманидаги "Ширинобод" МФИда 200 ўринга мўлжалланган "Саодат болажонлари" НМТТ ўз фаолиятини йўлга қўйди. Уни тадбиркор Саодат Қораева давлат-хусусий шерикчилиги асосида 1,5 млрд сўм миқдордаги кредит ҳисобидан барпо этди.

– Президентимизнинг тадбиркорларга яратиб бераётган имкониятлари туфайли мана шу боғчани очдик, – деди тадбиркор. – Энди бу ерда 20 тадан ортқк янги иш ўрни яратилиб, шу яқин орада истикомат қилаётган опа-сингилларимизнинг бандлиги таъминланмоқда.

Шунингдек, вилоятнинг Қарши тумани мактабгача таълим бўлими учун ҳам ўқувчи мактабгача таълим бино қури-

либ, фойдаланишга топширилди. Бино қурилишига 2 млрд 500 млн сўм маблағ сарфланди.

– Бўлим ходимлари шу пайтга қадар турли ташкилотларнинг биносида фаолият олиб борар, бу эса соҳа ривожини учун қатор ноқулайликларни юзга келтирарди, – деди туман ҳокими Беҳзоджон Юсупов. – Мустақиллигимизнинг 31 йиллиги арафасида топширилган замонавий ушбу бино болажонларининг етук камоли учун хизмат қилади. Маълумот учун, туманда 20 364 нафар 3-7 ёшли бола бўлиб, 197 та МТТ фаолият олиб бermoқда. Шундан, 27 та давлат мактабгача таълим ташкилотлари, 14 та давлат хусусий-шерикчилик асосидаги ва 156 та оилавий МТТ муассасасидир.

ТУГИЛГАН КУНИНГИЗ МУБОРАК БЎЛСИН!
Август ойининг шу ҳафтасида таваллуд айёмларини шинослаётган

Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги ҳузуридаги Қурилиш соҳасида назорат инспекцияси ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш бўйича етакчи мутахассис **Маъруфжон Рахимов**, "Шаҳарсозлик ҳужжатлари экспертизаси" ДУК ҳайдовчиси **Мамамаджон Мухромджанов**,

Қоракалпоғистон Республикаси Қурилиш вазирлиги кадрлар ва махсус ишлар бўйича инспектор **Шарипа Абдураzieва**, Элиқалъа тумани қурилиш бўлими шаҳарсозлик қонунчилигига риоя этиш устида назорат олиб бoриш бўйича архитектор **Умар Абдираманов**, Тўртқўл тумани қурилиш бўлими бошлиғи – туман бош архитектори **Дилмурод Зарипов**,

Андижон вилояти Қурилишда танлов савдоларини ташкил этиш консалтинг маркази етакчи мутахассиси **Машҳурбек Сотиболдиев**,

Жиззах вилояти, Ғаллаорол тумани қурилиш бўлими бош мутахассиси **Беҳзод Мамараимов**,

"Шаҳарсозлик ҳужжатлари экспертизаси" ДУК Навоий вилояти филиали бош мутахассиси **Насирдин Эсанов**,

Хоразм вилояти Қурилиш соҳасида ҳудудий назорат инспекцияси бош юрисконсулти **Темур Каримов**ларни таваллуд кунини билан чин дилдан муборакбод этамиз.

Уларга сийҳат-саломатлик, узоқ умр, оилавий хотиржамлик, мустаҳкам соғлиқ тилаймиз!



ЎЗБЕКИСТОН БУНЫОДКОРИ
СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА

ТАХРИР ҲАЙЪАТИ:

Батир Закиров (Тахрир ҳайъати раиси), Козим Туляганов, Эркин Искандаров, Ботир Зарипов, Юлдаш Магмуров, Жамшид Исмаилов, Ғолибжон Маджидов, Қўдратбек Хошимбеков.

ТАХРИРИЯТ:

Бош муҳаррир **Дилшод Жалолов**
Бош муҳаррир ўринбосари **Абдусами Ҳақбердиев**
Саҳифаловчи **Ақмал Махаммов**
Мусаҳҳих **Марҳамат Мусулмонқуллова**

Газета «Ўзбекистон бунёдкори»
Наشريёт уйи МЧЖ томонидан
нашрга тайёрланди.

«ЎЗБЕКИСТОН БУНЁДКОРИ»
НАШРИЁТ УЙИ МЧЖ
МУАССИСАЛARI:

Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги, «Усанотқурилиш материаллари» уюшмаси, «ЎЗАШҚЛТИ» ДУК, «Ўзшаҳарсозлик ЛТИ» ДУК, «Қишлоқ қурилиш инвест» ИК МЧЖ, «ЎзгеорангметЛТИ» ДУК.

ТАХРИРИЯТ МАНЗИЛИ:

100011, Тошкент шаҳри, Абай кўчаси, 6-уй.
Телефонлар: 71-244-21-71 (қабулхона), 71-244-15-13 (котибият), 71-244-22-10 (бухгалтерия), 71-244-05-15 (реклама ва обуна бўлими).
E-mail: uzbyunyodkori@umail.uz

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ
ТЕЛЕФОН РАҚАМЛАРИ:

Қоракалпоғистон Республикаси: 90-590-37-15.
Андижон вилояти: 93-410-15-18.
Бухоро вилояти: 99-705-50-15
Жиззах вилояти: 99-525-30-05.
Навоий вилояти: 99-731-17-40.
Наманган вилояти: 90-553-02-34.
Самарқанд вилояти: 95-560-30-45.
Сурхондарё вилояти: 91-981-61-63.
Фарғона вилояти: 90-230-85-23, 90-163-63-82.
Қашқадарё вилояти: 99-503-43-39.
Хоразм вилояти: 97-459-74-85.

Газета 2016 йил 25 июлда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0874-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси – 466. Буюртма – Г843. 2209 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2. Ҳажми – 4 табоқ, офсет усулида босилган. Баҳоси келишилган нархда. ISSN 2181-8762. Тахририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. Газета тахририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди. Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул.

КОРХОНА МАНЗИЛИ:

Тошкент шаҳри, «Буюк Турон» кўчаси, 41.

Навбатчи муҳаррир –

А. Ҳақбердиев.
Навбатчи – Р. Ҳужбаева.

ЎзА якуни – 01.25.
Топширилди – 01.45.

1 2 3 4 5 6

Мустақиллик байрами муносабати билан газетамизнинг 2022 йил 2 сентябрда чиқуши режалаштирилган сони 2022 йил 1 сентябрь кунини чиқади.